«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Тошкент шаҳар ҳокими
Ш.Б. Умурзаков

«26» 10 2026 йил

Тошкент вилояти Зангиота туманида томчилатиб суғориш тизими билан жиҳозланган кўчат етиштириш питомнигини давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш лойиҳаси КОНЦЕПЦИЯСИ

I. Лойиҳанинг тавсифи

Лойиҳанинг номи:	Тошкент вилояти Зангиота туманида томчилатиб суғориш тизими билан жиҳозланган кўчат етиштириш питомнигини давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш
Тармоқ номи:	Ободонлаштириш
Лойиҳа тури:	Тошкент вилояти Зангиота туманида 50 га ер майдонида томчилатиб суғориш тизими билан жиҳозланган кўчат етиштириш питомнигини давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш, молиялаштириш ва эксплуатация қилиш.
Хусусий шерик томонидан бажариладиган иш ҳажми	50 га ер майдонида замонавий томчилатиб суғориш тизими билан жиҳозланган кўчат етиштириш питомнигини ташкил этиш ва молиялаштириш, йилига камида 5 минг туп манзарали дарахт ва 35 млн туп бута кўчатларини етиштириш ва етказиб бериш, замонавий ландшафт, флористика ва декоратив ҳовузлар дизайни бўйича шоурумлар ташкил этиш, маҳаллий аҳоли учун иш ўринлари яратиш ҳамда мастер-класс ва ўқувлар ташкил этиш.
Давлат шеригининг номи:	Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Масъул вазирлик ёки ижро этувчи орган:	Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Лойиҳа амалга ошириладиган жой (вилоят, туман, шаҳар):	Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Чиғатой-Оқтепа қишлоғи

II. Дастлабки танлов натижалари

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-537-сон «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 октябрдаги 720-сон «Давлат-хусусий шериклик соҳасини янада такомиллаштириш ҳамда комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 27 июлдаги ПҚ-279-сон «Тошкент шаҳрини 2026–2027 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида мазкур давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-279-сон қарори 21–22-бандларига мувофиқ, Тошкент вилояти Зангиота тумани Чиғатой-Оқтепа қишлоғи ҳудудидаги фойдаланилмаётган 50 гектар ер майдонида томчилатиб суғориш тизими билан жиҳозланган кўчат етиштириш питомнигини давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш белгиланган. Мазкур қарорга мувофиқ Тошкент шаҳар ҳокимлиги давлат шериги этиб белгиланиб, ер участкаси хусусий шерикка ДХШ битими амал қилиш муддатига, 25 йилгача бўлган давр учун ижара ҳуқуқи асосида тақдим этилиши назарда тутилган.

Лойиҳанинг асосий мақсади замонавий, ресурс тежамкор ва сув тежовчи технологияларни жорий этган ҳолда манзарали дарахтлар ва бута кўчатларини саноат миқёсида етиштириш, Тошкент шаҳри ва бошқа ҳудудларни ободонлаштириш ишлари учун сифатли кўчатлар базасини шакллантириш, шунингдек, ушбу йўналишга хусусий инвестициялар ва замонавий агротехнологияларни жалб қилишдан иборат.

ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун хусусий ташаббускор – **«HUTUBI TASHKENT GREEN LAND» МЧЖ** томонидан кўчат етиштириш питомнигини ташкил этиш, уни зарур томчилатиб суғориш, иссиқхона, агротехник ва бошқа тегишли ускуналар билан жиҳозлаш, ишлаб чиқариш жараёнларини йўлга қўйиш ҳамда лойиҳани молиялаштириш ва эксплуатация қилиш режалаштирилган. Хусусий шерикнинг устав фонди 695,142 млн сўмни ташкил этади, унинг асосий таъсисчиси Хитой Халқ Республикасининг **XINJIANG HUTUBI NATIONAL LEVEL NURSERY STOCK TRADING MARKET Co., LTD.** компанияси бўлиб, устав капиталидаги улуши 80 фоизни ташкил этади.

Лойиҳа доирасида хусусий шерик томонидан **9.9 млн АҚШ долларигача инвестиция** киритиш, йилига камида **5.5 минг туп манзарали дарахт ва 40 млн туп бута кўчатлари** етиштириш ва етказиб бериш назарда тутилган. Шунингдек, замонавий ландшафт, флористика ва декоратив ҳовузлар дизайни бўйича шоурумлар ташкил этиш, маҳаллий аҳоли учун янги иш ўринлари яратиш, мутахассислар учун мастер-класслар, тажриба алмашиш ва ўқув тадбирларини ташкил этиш белгиланган.

Лойиҳани амалга оширишда кўчатларни етиштиришнинг замонавий босқичма-босқич технологияларидан, жумладан, лаборатория шароитида микроклонал кўпайтириш, иссиқхонада ташқи муҳитга мослаштириш, очиқ майдонда парваришлаш ва пайвандлаш каби технологик жараёнлардан фойдаланиш имконияти мавжуд. Мавжуд технологик маълумотларга кўра, ушбу жараёнларда биотехнолог, лаборант, агроном, боғбон, сувчи ва мавсумий ишчилар иштирок этади.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш натижасида фойдаланилмаётган ер майдонидан самарали фойдаланиш, томчилатиб суғориш ва бошқа сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш, маҳаллий бозорда сифатли манзарали дарахт ва бута кўчатларига бўлган талабни қондириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда ободонлаштириш соҳасида замонавий ишлаб чиқариш базасини шакллантириш имкони яратилади.

Хусусий ташаббускорнинг молиявий имкониятлари, кўчатчилик ва аграр йўналишдаги халқаро ҳамкорлик салоҳияти, лойиҳанинг юқори иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти, шунингдек, давлат мулки ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини инобатга олган ҳолда, мазкур лойиҳани давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

III. ДХШ лойиҳасининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари

	Қўшимча маълумотлар
1.	Лойиҳани баҳолаш ҳужжатлари тайёрланганми?: Ҳа ☒ Йўқ ☐ Агар «Ҳа» жавобини белгилаган бўлсангиз, тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг. Лойиҳа баҳолаш ҳужжатлари тақдим этилади.

2.	Лойиҳанинг қуйидагилардан бирига ёки бир нечтасига киритилганлигини кўрсатинг: Инвестиция дастури ☐ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ёки қарори ☒ Вазирлар Маҳкамасининг қарори ☐ бошқалар ☐ Батафсил маълумотлар ҳамда тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг: *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 27 июлдаги ПҚ-279-сон «Тошкент шаҳрини 2026–2027 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори*
3.	Лойиҳа иқлим ўзгариши бўйича ҳукумат томонидан белгиланган мақсадлар ёки стратегияларга эришишга ҳисса қўшадими? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Агар «Ҳа» жавобини белгилаган бўлсангиз, маълумот беринг. *Лойиҳа Ўзбекистонда атроф-муҳит муҳофазаси, кўкаламзорлаштириш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва иқлим ўзгариши таъсирини юмшатишга қаратилган давлат сиёсатининг мақсадларига мос келади.* ***Яшил ҳудудларни кенгайтириш ва парник газларини камайтиришга ҳисса қўшади*** *Лойиҳа доирасида 50 гектар ер майдонида йирик кўчат етиштириш питомниги ташкил этилади.* *Йилига камида **5.5 минг туп манзарали дарахт ва 40 млн туп бута кўчатлари** етиштирилиши улардан шаҳар ва бошқа ҳудудларни кўкаламзорлаштиришда кенг фойдаланиш имконини беради.* *Яшил майдонларни кўпайтириш атмосферадаги CO_2ни табиий сингдириш ва ҳаво сифатини яхшилашга хизмат қилади.* ***Сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга хизмат қилади*** *Питомник **томчилатиб суғориш тизими** билан жиҳозланиши назарда тутилган.* *Мазкур технология анъанавий суғориш усулларига нисбатан сувдан мақсадли ва самарали фойдаланиш, сув йўқотишларини камайтириш ҳамда иқлим ўзгариши шароитида сув ресурсларига тушадиган босимни пасайтириш имконини беради.* ***Кўкаламзорлаштириш дастурларининг кўчат базасини мустаҳкамлайди*** *Катта ҳажмда манзарали дарахт ва бута кўчатларини етиштириш Тошкент шаҳри ва бошқа ҳудудларда амалга ошириладиган кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш тадбирларини барқарор кўчат ресурслари билан таъминлаш имконини яратади.* *Бу шаҳарларда яшил майдонларни кенгайтириш ва экологик барқарорликни оширишга хизмат қилади.* ***Иқлимга чидамли шаҳар муҳитини шакллантиришга кўмаклашади*** *Лойиҳа доирасида етиштириладиган дарахт ва буталардан шаҳар муҳитини кўкаламзорлаштиришда фойдаланиш "иссиқлик ороли" таъсирини камайтириш, чанг ва ҳаво ифлосланишини пасайтириш ҳамда микроиқлимни яхшилашга хизмат қилади.* ***Экологик билим ва замонавий технологияларни тарқатишга хизмат қилади*** *Лойиҳа доирасида замонавий ландшафт, флористика ва декоратив дизайн бўйича шоурумлар, мастер-класслар, тажриба алмашиш ва ўқув тадбирлари ташкил этилиши назарда тутилган.*

	Бу замонавий кўкаламзорлаштириш ва ресурс тежамкор технологияларни маҳаллий мутахассислар ўртасида оммалаштиришга хизмат қилади.
4.	Лойиҳа Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барқарор ривожланиш соҳасидаги қайси мақсадларига қаратилган? *Мазкур лойиҳа БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларидан қуйидагиларига энг кўп мос келади:* • *6-мақсад — Тоза сув ва санитария: томчилатиб суғориш орқали сув ресурсларидан самарали фойдаланиш.* • *8-мақсад — Муносиб меҳнат ва иқтисодий ўсиш: маҳаллий аҳоли учун янги иш ўринлари яратиш.* • *11-мақсад — Барқарор шаҳарлар ва аҳоли яшаш жойлари: Тошкент шаҳри ва бошқа ҳудудларни кўкаламзорлаштириш учун кўчат базасини шакллантириш.* • *13-мақсад — Иқлим ўзгаришига қарши кураш: яшил ҳудудларни кенгайтириш ва CO_2ни табиий сингдириш имкониятларини ошириш.* • *15-мақсад — Қуруқликдаги экотизимларни асраш: дарахт ва бута кўчатларини кўпайтириш, биохилма-хиллик ва яшил инфратузилмани қўллаб-қувватлаш.*
5.	Ушбу лойиҳа давлат харидлари жараёни доирасида амалга ошириш учун бюджет томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилганми? Ҳа ☐ Йўқ ☒ Агар «Ҳа» жавобини белгилаган бўлсангиз, маълумот беринг.
6.	Хусусий шерикнинг лойиҳани амалга ошириш ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ олишга рухсат берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш учун зарурати борми? Ҳа ☐ Йўқ ☒ Агар «Ҳа» жавобини белгилаган бўлсангиз, тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.
7.	Хусусий шерикнинг лойиҳа доирасида кўрсатадиган якуний хизматларини тасвирлаб беринг: *Хусусий шерик томонидан **9.9 млн АҚШ доллари миқдорида инвестиция** киритиш ҳисобига Зангиота туманидаги **50 гектар ер майдонида** замонавий кўчатчилик хўжалиги ташкил этилади. Лойиҳа доирасида кўчатларни етиштириш, кўпайтириш, ташқи муҳитга мослаштириш, очиқ майдонда парваришлаш ва реализацияга тайёрлашнинг тўлиқ технологик цикли йўлга қўйилади. Хусусан, кўчатларни дала шароитида етиштиришда **1 гектар майдонга 40 минг донагача кўчат жойлаштириш**, уларни парваришлаш ва зарур ҳолларда пайвандлаш технологияларидан фойдаланилади.* *Лойиҳанинг белгиланган қувватига чиқилиши натижасида **йилига 5 500 дона йирик ўлчамдаги дарахтлар ҳамда 40 млн дона бута ва манзарали ўсимликлар етиштириш** таъминланади. Лойиҳани қуриш ва ишлаб чиқариш базасини шакллантириш даври **3 йилни** ташкил этиб, кейинги босқичларда ишлаб чиқариш ҳажмлари ошириб борилади. Шунингдек, хусусий шерик замонавий агротехнологиялар ва сув тежовчи суғориш усулларини жорий этади ҳамда маҳаллий техник мутахассисларни кўчат етиштириш ва парваришлаш технологиялари бўйича ўқитишни таъминлайди.*

BFM0458

<table>
<tr><td rowspan="4">8.</td><td>а) Лойиҳанинг қиймати
116,9 млрд сўм
(9.9 млн АҚШ доллари)</td><td>б) Лойиҳа давридаги эксплуатация харажатлари миқдори (ОПЕРАЦИОН ҲАРАЖАТЛАР)
40 431.85 млрд сўм
(3 423.8 млн АҚШ доллари)</td><td>в) Умумий харажатлар
40 548.75 млрд сўм
(3 433.8 млн АҚШ доллари)</td></tr>
<tr><td colspan="3">АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати лойиҳа концепциясининг концепцияни ишлаб чиқиш ва келишиш кунидаги Марказий банкнинг 01.10.2026 йил 11 808,76 сўм курси бўйича ҳисобланади.</td></tr>
<tr><td colspan="2">г) ДХШ битимининг амал қилиш муддати: 25 йил
3-10 ☐ 11-20 ☐ 21-30 ☒ >30 ☐</td><td colspan="2">д) Лойиҳани амалга ошириш муддати: 3 йил
<10 ☒ 10-30 ☐ >30 ☐</td></tr>
<tr><td colspan="4"></td></tr>
<tr><td rowspan="4">9.</td><td>а)</td><td colspan="2">Лойиҳанинг даромад манбаини кўрсатинг:
Фойдаланганлик учун тўлов ☐
Эркин фойдаланиш учун тўлов ☒
Лойиҳанинг асосий даромад манбаи хусусий шерик томонидан етиштирилган дарахт, бута ва бошқа манзарали кўчатларни давлат шеригига, ички ва ташқи бозорларга реализация қилишдан тушадиган тушумлар ҳисобланади. Лойиҳа тўлиқ қувватга чиққунга қадар давлат шеригининг буюртмаларини қисман импорт маҳсулотлари ҳисобига таъминлаш имконияти сақланади.</td></tr>
<tr><td>б)</td><td colspan="2">Йиллик тахминий фойдаланганлик учун тўлов ёки эркин фойдаланиш учун тўловни кўрсатинг (АҚШ долларида минг):
Мазкур лойиҳада алоҳида фойдаланганлик учун тўлов назарда тутилмайди. Хусусий шерикнинг даромади етиштирилган дарахт, бута ва бошқа манзарали кўчатларни давлат шериги, ички ва ташқи бозорларга реализация қилиш ҳисобидан шаклланади.
ДХШ битими доирасида давлат шериги томонидан йилига камида 5 000 дона дарахт кўчати ва 35 млн дона бута кўчатларини устувор тартибда харид қилиш механизмини белгилаш таклиф этилади. Харид нархи ҳар йили томонлар келишуви асосида бозор нархларидан келиб чиқиб белгиланади. Давлат харидининг йиллик қиймати молиявий моделда маҳсулот нархлари ва маҳаллийлаштириш даражасининг йиллар бўйича ўзгариши асосида ҳисобланади.
Даромадлар тақсимотини кўрсатинг:
Давлат мулкидан фойдаланганлик учун тўлов ☒
Қўшимча фойда тақсимоти ☐</td></tr>
<tr><td>в)</td><td colspan="2">ДХШ лойиҳасининг ташаббускорини белгиланг:
Давлат ташаббускори ☐
Хусусий ташаббускор ☒</td></tr>
<tr><td colspan="4">г) Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муваффақиятли расмийлаштирилганлиги учун тендер ғолибидан ёки тўғридан-тўғри музокаралар иштирокчисидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда бир марталик тўлов
Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 октябрдаги 720-сон қарори билан тасдиқланган 5-иловага асосан, лойиҳанинг 116,9 млрд сўм миқдоридаги қийматидан 0,2 фоиз, яъни 233,8 млн сўм (икки юз ўттиз уч миллион саккиз юз минг сўм) миқдорида бир марталик тўлов ундирилади.</td></tr>
</table>

10.		Хусусий ва давлат шериги ўртасидаги хатарларни тақсимлашда, таклиф қилинган ўзгаришларни белгиланг. Бунда давлат шериги ва хусусий ташаббускор келишган ҳолда хатарлар тақсимотини ўзгартиришга ҳақли.				
	Хавф ёки хатарлар турлари	Давлат шериги	Умумий	Хусусий шерик	Хатар тақсимоти асоси	Изоҳ
	Лойиҳа ҳужжатини ишлаб чиқиш билан боғлиқ хатарлар			●		
	Дизайн ва технологияларнинг эскириш хавфи			●		
	Яширин нуқсон Хавфи		●			
	Ер ажратиш ва кўчириш билан боғлиқ бўлган хатарлар	●				
	Молиявий хатарлар			●		
	Қурилиш билан боғлиқ бўлган хатар (аниқ бўлмаган)		●			
	Қурилиш билан боғлиқ бўлган хатар (аниқ бўлган)			●		
	Ишга тушириш билан боғлиқ бўлган хатарлар			●		
	ДХШ тўғрисидаги битим тузилганидан кейин лойиҳага киритиладиган ўзгаришлар (давлат шериги тарафидан)	●				
	ДХШ тўғрисидаги битим тузилганидан кейин лойиҳага киритиладиган ўзгаришлар (хусусий шерик тарафидан)			●		
	Лойиҳанинг суғуртасига оид хатарлар			●		
	Солиқ билан боғлиқ хатарлар			●		
	Тарифларнинг ўзгаришига боғлиқ бўлган хатарлар		●			
	Қонунчиликдаги ўзгаришларнинг лойиҳага салбий таъсири хатарлари	●				
	Лицензия, рухсатномалар кечикиши ёки берилмаслиги хатарлари	●				
	Лицензия, рухсатномалар кечикиши ёки			●		

	берилмаслиги хатарлари (хусусий шерик томонидан зарур хужжатлар расмийлаштирилмаганда)					
	Хусусий шерикка келишилган тўловларнинг кечиктирилиши	●				
	Давлат шеригига келишилган тўловларнинг кечиктирилиши (тегишли жойларда)			●		
	Сиёсий беқарорлик хатарлари	●				
	Таъмирлаш ва реконструкцияга оид хатарлар			●		
	Мулкни миллийлаштириш (реквизиция қилиш)	●				
	Операцион хатарлар			●		
	Экологик/ижтимоий хатар (эксплуатация билан боғлиқ)			●		
	Оператив фаолият билан боғлиқ бўлган хатарлар			●		
	Талаб билан боғлиқ бўлган хатарлар			●		
	Самарадордлик кўрсаткичларини бажариш билан боғлиқ хатарлар			●		

11.

Агар хусусий шерик кўрсатилган бўлса, қуйидаги маълумотларни тақдим этинг.

а) хусусий ташаббускор номи (агар юридик шахслар бирлашмаси бўлса, етакчи иштрокчининг номи):

“HUTUBI TASHKENT GREEN LAND” МЧЖ ХК

б) компания рўйхатдан ўтган давлат номи:

Ўзбекистон Республикаси

в) “HUTUBI TASHKENT GREEN LAND” МЧЖнинг устав капитали **695 142 000 сўмни** ташкил этади ва қуйидагича тақсимланган:

№	Иштирокчилар	Улуши, сўм	Улуши
1	XINJIANG HUTUBI NATIONAL LEVEL NURSERY STOCK TRADING MARKET Co., LTD. (Хитой Халқ Республикаси)	556 113 600	80,0%
2	ABDUVALIYEV SUXRABXON IXTIYOROVICH	107 271 300	15,0%
3	ISHNAZAROV SHERZOD PARMONOVICH	17 378 550	2,5%
4	VUSIMAN NIJAT XXX	17 378 550	2,5%
	ЖАМИ	**695 142 000**	**100,0%**

г) боғланиш учун маълумот:

тел +998 (93) 589 65 55

Корхонанинг юридик ва почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Заркўрғон МФЙ, 16-массив, 24/1-уй.

BFM0458

д) бизнеснинг қисқача мазмуни:
Ушбу Лойиҳа доирасида дарахт, бута ва манзарали ўсимликларни етиштириш, кўпайтириш ва парваришлаш йўлга қўйилиб, белгиланган қувватга чиқиш натижасида ***йилига 5 000 дона йирик ўлчамдаги дарахт ҳамда 35 млн дона бута ва манзарали ўсимликлар етиштириш*** *кўзда тутилган.*
е) худди шу соҳада шунга ўхшаш лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тажриба:

"HUTUBI TASHKENT GREEN LAND" МЧЖ Уставига мувофиқ жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ фаолият юритувчи юридик шахс ҳисобланади. Жамият фаолият йўналишлари қаторида қишлоқ хўжалиги, ўсимлик ва кўчатларни етиштириш, кўчатчилик, ўрмон хўжалиги ва улар билан боғлиқ фаолият турлари назарда тутилган.
ё) сўнгги уч молиявий йил учун жами активлар, жами мажбуриятлар ва соф фойда минг сўм: МЧЖ 2026 йилда ташкил этилган.

з) компанияни қайта ташкил этиш, тугатиш ва (ёки) банкротлик босқичида эмаслигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш:
Ҳужжатлар тақдим қилинади.
Хусусий ташаббускорнинг малакасини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатли далилларни, шу жумладан, йиллик ҳисоботларни ва охирги уч йил учун аудит қилинган консолидацияланган молиявий ҳисоботларнинг тасдиқланган нусхаларини тақдим этинг. *Барча ҳужжатлар илова қилинади.*

12. Ҳар бир босқич учун тахминий/режалаштирилган санани кўрсатинг:

	Сана		Сана
а) ДХШ лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш	4-чорак 2026 й.	д) Музокаралар ва ДХШ тўғрисидаги битимни имзолаш	1-чорак 2027 й
б) Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш (масалан: тендер ҳужжатлари)	4-чорак 2026 й	е) Махсус лойиҳа компаниясини (SPV) ташкил этиш.	1-чорак 2027 й
в) Дастлабки малакани аниқлаш (агар қўллаш мумкин бўлса, малакани аниқлаш талабномаси асосида – Request for Qualification, RFQ)	4-чорак 2026 й.	ё) Молиявий якунлаш	Битим кучга киргандан сўнг.
г) Ғолибни саралаш (Таклифларни топшириш талабномаси – Request for Proposals, RFP)	4-чорак 2026 й.		

13. Жорий ҳолатда ахолидан ва/ёки давлат бюджетидан мазкур хизматга ажратиладиган ялпи маблағ. Маблағ ажратилмаган

14. Ушбу лойиҳа давлат тарафидан амалга оширилганда, бюджетдан ажратилиши кутилган тахминий маблағ (бунга капитал харажатлари ва бошқарув харажатлари киради)
Агар ушбу лойиҳа давлат тарафидан амалга оширилганида бюджетдан ажратилиши кутилган тахминий маблағ ***116,9 млрд сўмни*** *ташкил қилган бўлар эди.*

15. Лойиҳани давлат томонидан эмас, балки ДХШ механизми орқали амалга оширишнинг афзалликларини асослаб беринг:

	*ДХШ механизми орқали давлат бюджети маблағларини жалб этмасдан, хусусий шерикнинг **9.9 млн АҚШ доллари миқдоридаги инвестицияси** жалб қилинади ва **50 гектар ер майдонида** замонавий кўчатчилик хўжалиги ташкил этилади.* *Лойиҳа хатарлари томонлар ўртасида тақсимланиб, молиялаштириш, қурилиш, эксплуатация ва тижорат хатарлари хусусий шерик зиммасига юклатилади.* *Давлат шериги ер майдонини тақдим этиш ва тегишли ташкилий кўмакни таъминлайди, хусусий шерик эса инвестиция киритиш ва белгиланган ишлаб чиқариш кўрсаткичларини бажариш мажбуриятини олади.*
16.	Ташаббус кўрсатилган лойиҳа иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни/муаммоларни ҳал этишга қаратилганми? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Агар «Ҳа» жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: *Лойиҳа доирасида 50 гектар майдонда замонавий кўчатчилик хўжалиги ташкил этилиб, йилига 5 минг дона йирик ўлчамдаги дарахт ҳамда 35 млн дона бута ва манзарали ўсимликлар етиштириш қуввати яратилади.* *Лойиҳа Тошкент шаҳри ва бошқа ҳудудларда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш учун зарур кўчатларга бўлган талабни қондириш, шунингдек маҳаллий ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга хизмат қилади.* *Кўчат етиштиришда замонавий агротехнологиялар ва сув тежовчи суғориш технологиялари жорий этилиб, маҳаллий мутахассисларни ўқитиш ва 120 нафар янги иш ўринларини яратиш таъминланади.*
17.	Таклиф этилаётган лойиҳалар бўйича фаолият давлат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган юридик шахслар ёки уларнинг бирлашмалари томонидан амалга ошириладими? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Агар «Ҳа» жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: *Мазкур лойиҳа доирасида назарда тутилган кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш, ҳудудларни яшиллаштириш ҳамда ушбу мақсадлар учун дарахт, бута ва манзарали ўсимликларга бўлган эҳтиёжни таъминлаш билан боғлиқ фаолият маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг тегишли вазифа ва ваколатлари доирасида амалга оширилади.*
18.	Таклиф этилаётган лойиҳа бўйича тақдим этиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) сифати ва (ёки) қамраб олиш даражасининг амалдаги кўрсаткичларга нисбатан юқори ва (ёки) инновацион ёндашувни ўз ичига оладими? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Агар «Ҳа» жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: *Лойиҳа доирасида **in vitro ва тўқима культураси орқали кўпайтириш, IoT асосида автоматлаштирилган ақлли суғориш, томчилатиб суғориш, контейнерларда кўчат етиштириш, фертигация ва замонавий иссиқхона технологиялари** жорий этилади. Ақлли суғориш технологиялари сув сарфини анъанавий усулларга нисбатан **40 фоизгача камайтириш**, контейнер технологиялари эса кўчатларнинг яшаб кетиш даражасини ошириш имконини беради.* *Шунингдек, кўчатларни ишлаб чиқаришдан реализациягача бўлган жараёнда **SOP, сифат назорати ва маҳсулот партияларини кузатиб бориш тизими** жорий этилади.*

19.	ДХШ объектига бўлган мулк ҳуқуқи давлат шеригига тегишлими? Ҳа ☒Йўқ ☐Агар «Ҳа» жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: *Тошкент шаҳар ҳокимлиги тасарруфида.*
20.	Лойиҳа учун хусусий сектор томонидан сармоя ва/ёки тажриба жалб қилиняптими? Ҳа ☒Йўқ ☐ Агар «Ҳа» жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: *Лойиҳа хусусий шерик томонидан **9.9 млн АҚШ доллари миқдоридаги инвестицияни 3 йил давомида киритиш** ҳисобига амалга оширилади. Хусусий шерик таркибида Хитойнинг кўчатчилик соҳасида фаолият юритувчи **XINJIANG HUTUBI NATIONAL LEVEL NURSERY STOCK TRADING MARKET Co., LTD. компанияси 80 фоиз улуш билан** иштирок этади.* *Лойиҳага мазкур компаниянинг кўчат етиштириш, замонавий иссиқхона, суғориш, кўпайтириш ва ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича технологик тажрибаси жалб қилинади.*
21.	Таклиф этилаётган лойиҳа хорижий ёки маҳаллий тажрибага асосланадими? Ҳа ☒Йўқ ☐ Агар «Ҳа» жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: *Лойиҳа хорижий, хусусан Хитой тажрибасига асосланади. Хусусий шерик таркибида Хитойнинг кўчатчилик соҳасида фаолият юритувчи "XINJIANG HUTUBI NATIONAL LEVEL NURSERY STOCK TRADING MARKET Co., LTD." компанияси 80 фоиз улуш билан иштирок этади. Лойиҳа доирасида унинг кўчат етиштириш бўйича тажрибаси, замонавий агротехнологиялари ва технологик ечимларини Ўзбекистонда жорий этиш назарда тутилган.*
22.	Ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш назарда тутилганми? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Агар «Ҳа» жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: *Лойиҳа доирасида Хитойнинг кўчатчилик соҳасидаги **илғор ишлаб чиқариш ва бошқарув тизимлари**, жумладан стандарт операцион жараёнлар (SOP), рақамли мониторинг, маҳсулот сифатини назорат қилиш ва ҳар бир партиянинг келиб чиқишини кузатиш тизими жорий этилади.* *Шунингдек, маҳаллий мутахассисларни ўқитиш, технологияларни босқичма-босқич маҳаллийлаштириш ва билимлар трансферини таъминлаш орқали **замонавий кўчатзорни бошқариш тизими** шакллантирилади. Ҳар йили маҳаллий техник мутахассисларни малака оширишга жалб қилиш ҳам назарда тутилган.*
23.	Ташаббус кўрсатилган лойиҳа томонлар учун мақбул бўлган мутаносиб фойдани таъминлаб бера оладими? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Агар «Ҳа» жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: *Хусусий шерик етиштирилган кўчатларни реализация қилиш орқали инвестиция ва харажатларини қоплаб, фойда олиш имкониятига эга бўлади. Давлат шериги эса бюджет маблағларини сарфламасдан 50 гектар майдонда замонавий кўчатчилик хўжалиги ташкил этилиши, кўкаламзорлаштириш учун кўчатлар етиштирилиши ва замонавий технологиялар жорий этилишидан манфаат кўради.*
24.	Лойиҳани амалга ошириш учун ер участкасига зарурат борми? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Агар «Ҳа» жавобини белгилаган бўлсангиз, керакли ер участкаси майдонини кўрсатинг (га): *Ушбу лойиҳа Тошкент шаҳри ҳокимлиги тасарруфидаги **50 га ер** майдонида амалга оширилади.*

<table>
<tr><td>25.</td><td>а) Лойиҳани амалга ошириш натижасида ижтимоий муаммолар келиб чиқиш эҳтимоли мавжудми? Ҳа ☐ Йўқ ☒
Агар «Ҳа» жавобини белгилаган бўлсангиз, изоҳланг:
Асослантириш учун тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.</td></tr>
<tr><td></td><td>б) Лойиҳани амалга ошириш натижасида экологик муаммолар вужудга келиш эҳтимоли мавжудми?
Ҳа ☐ Йўқ ☒
Агар «Ҳа» жавобини белгилаган бўлсангиз, изоҳланг.
Асослантириш учун тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.</td></tr>
<tr><td>26.</td><td>Давлат шериги томонидан (ДХШ лойиҳаси доирасидан ташқари) амалга оширилиши
зарур бўлган қўшимча иш ҳамжларини кўрсатинг:
Сув таъминоти объектларини қуриш
Газ таъминоти объектларини қуриш
Электр таъминоти қурилмаларига уланиш
Транспорт боғланиши
Кириш йўллари
Бошқалар
Агар Сиз бирон бир катакчани белгилаган бўлсангиз, илтимос, талаб қилинадиган иш ҳажми ҳақида қўшимча маълумот беринг.</td></tr>
<tr><td>27.</td><td>Манфаатдор томонларни санаб ўтинг:
“HUTUBI TASHKENT GREEN LAND” МЧЖ (хусусий шерик)
Давлат шериги: Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Тошкент шаҳар аҳолиси.</td></tr>
<tr><td>28.</td><td>Ғолиб бўлган иштирокчи ДХШ шартномасини муваффақиятли тузилганлиги учун Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тўлайдиган бир марталик комиссия миқдорини кўрсатинг:
Вазирлар Маҳкамасининг 30.10.2024 йил 720-сон қарори билан тасдиқланган 5-иловага асосан лойиҳа қиймати 116,9 млрд сўм миқдоридаги қийматидан 0,2 фоиз, яъни 233,8 млн сўм (икки юз ўттиз уч миллион саккиз юз минг сўм) миқдорида бир марталик тўлов ундирилади.</td></tr>
<tr><td>29.</td><td>Давлат шериги томонидан лойиҳани амалга ошириш учун масъул этиб тайинланган шахс ҳақидаги маълумотларни тақдим этинг. Агарда имкони бўлса, лойиҳани амалга ошириш гуруҳи ҳамда ДХШ лойиҳаси менежери, гуруҳ аъзоларининг лавозими ва мажбуриятлари ҳақидаги маълумотларни ҳам тақдим этинг.
<table>
<tr><td>Маъсул этиб тайинланган шахс</td><td>Тошкент шаҳар ҳокимлиги ДХШ бўлими</td></tr>
<tr><td>Ф.И.О.:</td><td></td></tr>
<tr><td>Лавозими:</td><td>ДХШ бўлими</td></tr>
<tr><td>Телефон рақами:</td><td>+998 (71) 210-02-16</td></tr>
<tr><td>Электрон почта манзили:</td><td>info@tashkent.uz</td></tr>
</table></td></tr>
</table>

«Тайёрланди»
Хусусий шерик
«HUTUBI TASHKENT GREEN LAND» МЧЖ раҳбари

«Келишилди»
Иқтисодиёт ва молия
вазирининг биринчи ўринбосари
_____ И.Норқулов